



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2026 йил – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 3 июль, № 134 (9305)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодани телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ГРУЗИЯГА ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 июль куни давлат ташрифи билан Тбилиси шаҳрига келди.



Шота Руставели номидаги халқаро аэропортда давлатимиз раҳбарини Грузия Бош вазирининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Мака Бочоришвили ҳамда бошқа расмийлар кутиб олди. Олий мартабали меҳмон шарафига икки мамлакатнинг давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қоровул саф тортиди.

Сўнг Тбилиси шаҳрида Грузия Президентининг қароргоҳи — Орбелиани саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат

Мирзиёевни расмий кутиб олишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарини Грузия Президенти Михаил Кавелашвили самимий қарши олди.

Олий мартабали меҳмон шарафига қароргоҳ олдидаги майдонда икки мамлакатнинг давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қоровул саф тортиди.

Давлат мадҳиялари янгради. Етакчилар ҳарбий оркестр садолари остида фахрий қоровул сафи

олдидан ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини қутладилар.

Грузияга давлат ташрифи доирасида Тбилиси шаҳридаги Орбелиани саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Грузия Президенти Михаил Кавелашвилининг музокаралари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон — Грузия кўп қиррали муносабатларини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Грузия

Президентига самимий меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдириб, ушбу мамлакатга давлат ташрифи сўнгги 23 йилда илк бор амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

Парламентлар, ҳукуматлар ва ишбилармон доиралар ўртасидаги алоқалар фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўтган йил якунларига кўра, товар айирбошлаш ҳажми 270 миллион долларга етди, қўшма лойиҳа ва корхоналар сони ортиб бормоқда. Мамлакатимизда Грузиянинг биринчи рақамли банки — “ТВС” муваффақиятли фаолият юритмоқда. Тошкент билан Тбилиси ва Батуми шаҳарлари ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг март ойида Ўзбекистон пойтахтида Грузия маданияти кунлари муваффақиятли ўтказилди.

Ўзаро савдо ҳажмини, жумладан, Поти ва Батуми портлари са-

лоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали янада ошириш масалаларига устувор эътибор қаратилди.

Фармацевтика, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорт, энергетика, рақамли технологиялар ва туризм соҳаларида кооперацияни ривожлантириш учун имкониятлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилди.

Ишбилармонлик, туристик ва гуманитар алмашинувларни йўлга қўйиш учун ҳудудлар ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Учрашув якунида Шавкат Мирзиёев Михаил Кавелашвилини мамлакатимизга ташриф билан келишга таклиф этди.

Тбилиси шаҳридаги тадбирлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Грузиянинг олий давлат мукофоти — “Олтин мўйна” ордени билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон — Грузия кўп қиррали муносабатларини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун давлатимиз раҳбарига ушбу мукофотни Грузия Президенти Михаил Кавелашвили топширди.

Ўзбекистон етакчиси Грузия Президенти Михаил Кавелашвили, Бош вазири Ираклий Кобахидзе ҳамда Парламент Раиси Шалва Папуашвилига юксак мукофот учун миннатдорлик билдириб, дўст Грузия халқига тинчлик, фаровонлик ва равақ тилади.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари Орбелиани саройининг Фахрий меҳмонлар китобида самимий тилақларини ёзиб қолдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Грузияга давлат ташрифи давом этмоқда.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ГРУЗИЯНИНГ «ОЛТИН МЎЙНА» ОРДЕНИ

«Олтин мўйна» ордени — Грузиянинг олий давлат мукофотларидан бири.

Орден 1998 йилда таъсис этилган бўлиб, Грузия давлатчилигини ривожлантириш, мамлакат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, хорижий давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, шунингдек, грузин маданияти, илм-фани ва санъатини тарғиб этишга қўшган алоҳида ҳиссаси учун тақдим этилади.

Орден номи қадимги юнон мифологиясидаги Олтин мўйна ҳақидаги афсона ҳамда ҳозирги Фарбий Грузия ҳудудида жойлашган тарихий Колхида ўлкаси билан боғлиқ.

Орден нишончаси диаметри 52 миллиметр бўлган олтин юлдуздан иборат бўлиб, у катта етти учли ва кичик етти нулли юлдузларнинг ўзаро уйғунлашуви асосида яратилган. Нишонни безашда тўқ қизил ва кўк рангли эмаль, олтин безак элементлари, қизил ва кўк рангли қўшимча нақшлардан фойдаланилган. Марказий медальонда Олтин мўйна тасвири жойлаштирилган.



Орденнинг юқори қисми қалқон ва «LABOR PRO GEORGIA» («Грузия фаровонлиги йўлидаги меҳнат») деган шior ёзилган тасма ушлаб турган икки олтин грифон кўринишида ишланган. Орденнинг орқа томонида унинг тартиб рақами, «Грузия олдидаги хизматлари учун» деган ёзув ҳамда тайёрланган йили кўрсатилади. Орден икки четидан олтинсимон чиқиқлар ўтказилган ҳаворанг тасмага тақилади.

Мазкур юксак мукофот билан турли йилларда Буюк Британия Қироличаси Елизавета II, Иордания Подшоҳи Абдулла II, Германия Канцлери Герхард Шрёдер, Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоган, Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев ва бошқалар тақдирланган.

КУН ТАРТИБИДА – ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРЛАРИ ИЖРОСИ

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг Термиз шаҳрида бўлиб ўтган сайёр мажлисида Сурхондарё вилояти ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда камбағалликни қисқартириш бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Сайёр мажлис

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигида ўтказилган мажлисда парламент юқори палатаси ишчи гуруҳи томонидан қўнғунчилик ҳужжатларида белгиланган вазифаларнинг вилоятда бажарили-

шини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, жорий йилнинг I чорагида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 13,4 трлн. сўмга етиб, ўсиш суръати 9,1 фоизлик даражага чиққан. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш — 8,7, бозор хизматлари — 16,3, қишлоқ хўжалиги —

9,7 ва қурилиш ишлари 10 фоизга ўзган.

Кузатишга иқтисодий жараёнда натижасида 2026 йил 1 апрель ҳолатига кўра, фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари (юридик шахслар) сони 21,5 мингта, ташкил этиб, 2025 йилнинг мос давридагига нисбатан 8,7 фоиз ошган.

Жорий йилда вилоятда 2 млрд. АҚШ доллари миқдоридан хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб қилиш режалаштирилган бўлиб, биринчи чорада 499,1 млн. доллар ўзлаштирилган. Ташқи савдо айланишида экспорт улуши 53 фоизни ташкил этиб, экспорт ҳажми 126,4 млн. АҚШ долларига етган. ➡2

МИНТАҚАЛАРАРО ШЕРИКЛИК ИСТИҚБОЛИДА МУҲИМ ҚАДАМ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Грузияга амалга оширган илк давлат ташрифи нафақат икки мамлакат муносабатлари, балки бутун Марказий Осиё ва Кавказ минтақалари ўртасидаги ҳамкорлик динамикаси нуқтаи назаридан ҳам муҳим сиёсий воқеадир. Бу ташрифни янги геоиқтисодий йўналишларни шакллантирувчи стратегик қадам сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Муносабат

Ўзбекистон ва Грузия ўртасида стратегик шериклик муносабатларининг расман ўрнатилиши икки мамлакат ўртасидаги ишончнинг юқори босқичга чиққанини аълолатди. Бу иқтисодий, инфратузилмавий ва гуманитар соҳаларда узоқ муддатли ҳамкорлиқнинг янги архитектурасини яратди.

Шу нуқтаи назардан, имзоланиши қўлайлаётган стратегик шериклик декларацияси ўз мазмунига кўра комплекс ҳужжат ҳисоблана-

ди. У иқтисодиёт, транспорт, рақамлаштириш, таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги ва туризм каби йўналишларни бир тизимга боғлаб, ўзаро интеграциялашган ҳамкорлик моделини шакллантиришга хизмат қилади. Бу эса икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни институционал ҳамкорлик босқичига олиб чиқади. Айниқса, 2026-2027 йилларга мўлжалланган ҳукуматлараро дастурнинг қабул қилиниши амалий жиҳатдан жуда муҳим. Чунки у умумий ниятлардан аниқ лойиҳаларга ўтиш имконини беради. ➡2

ЮҚОРИ РАҒБАТ ВА МАНФААТДОРЛИК

мавсум муваффақиятларининг бош омилидир

Халқимизда “Ерга меҳр берсанг, ер сени боқади” деган пурмаъно ҳикмат бор. Бу узоқ йиллар давомида ўз исботини топиб келаётган ҳаёт ҳақиқати. Чунки ер экин экиладиган майдонгина эмас, балки у инсон меҳнати, сабри, умиди ва келажаги билан боғлиқ тириклик манбаидир. Айниқса, бугунги кунда қишлоқ хўжалигида кузатилаётган улкан ўзгаришлар мисолида бунга яна бир қарра амин бўлмоқдамиз. Зеро, даладарда етиштирилган ҳосил шунчаки рақамлар билан ифодаланадиган натижа эмас, аксинча фермернинг қайфияти, оиланинг даромади ва юрт фаровонлигининг асосий кўрсаткичига айланмоқда.

Бугуннинг гапи

Айни пайтда ғаллакорларимизнинг йил давомида қилган меҳнати самараси буй кўрсатмоқда. Мамлакатимизда ғалла ўрими йилими мавсуми қизгин паллага кирган. Ғаллазорларда тўтовсиз ишлаётган комбайнларни, дон қабул қилиш масканлари-га узлуксиз келаётган дон қарвонларини кўриб, қалбинг қувончга тўлади. Ахир омиборларни қўт-баракага тўлдирётган бу

донлар деҳқонларимизнинг фидокорона хизмати ва изланиши мевасидир.

Республикаимизда жорий йилда қарийб ўттиз тўрт мингдан ортиқ фермер хўжаликлари ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан 1 миллион гектардан зиёд майдонларда ғалла парваришланиб, 10 миллион тоннадан ортиқ улкан ҳосил олинди. Энг қувонарлиси, кўплаб фермерларимиз гектаридан 100 центнер, ҳатто ундан ҳам юқори ҳосил кўтаришяпти. ➡3



Таҳлил

ГЛОБАЛ КАПИТАЛ БОЗОРИНИНГ МАРКАЗИ

Глобал савдо йўналишлари ўзгариб, таъминот занжирлари қайта шаклланаётган ҳозирги мураккаб бир пайтда Ўзбекистон ўзининг географик жойлашуви, рақобатбардош иқтисодиёти, ривожланаётган логистика инфратузилмаси ва қулай ишбилармонлик муҳити туфайли минтақадаги энг жозибадор инвестиция платформаларидан бирига айланмоқда. Бу жараёнда чет эллик сармоядор ва тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинаётган, энг асосийси, иқтисодий ислохотлар янада шиддатли тус олиб, янги босқичга чиқаётгани туфайли таниқли инвесторлар Янги Ўзбекистонга сармоя киритишга интилимда.

Дарҳақиқат, охириги йилларда юртимизга 150 млрд. доллардан зиёд хорижий инвестиция жалб қилингани, шундан 123 млрд. доллари сўнгги беш йил ҳиссасига тўғри келгани фикримиз тасдиғидир. Ўтган 2025 йил мисолида айтиладиган бўлса, иқтисодиёт тармоқларига 43 млрд. доллар инвестиция йўналтирилди. Шунингдек, ялпи ички маҳсулот ҳажми 7,7 фоизга ўсди, миллий валюта барқарорлиги таъминланиб, халқаро захиралар ҳажми 70 млрд. доллардан ортиди.

Ишончнинг ёрқин ифодаси

Жаҳоннинг кўплаб давлатларида иқтисодий пасайиш кузатилаётган чоғда Ўзбекистонда жорий ва келгуси йилларда ҳам юқори ўсиш суръатлари таъминланиши кутилмоқда. Бу шунчаки баландпарвоз гап эмас, балки нуфузли халқаро ташкилотлар, таниқли экспертлар ҳулосаларига таяниб айтилмоқда. Масалан, яқинда Ўзбекистоннинг суверен кредит рейтингини прогнозини “барқарор”дан “ижобий”га ўзгартириб, “ВВ” даражасида тасдиқлаган “Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентлиги ҳисоботида қайд этилишича, мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши 2026 йилда 6 фоизни, 2027-2028 йилларда эса ўртача 6,4 фоизни ташкил қилиши кутилмоқда. Бунинг асосий омилларидан бири сифатида таркибий ўзгаришлар изчил давом эттирилаётгани келтирилипти. ➡4

КУН ТАРТИБИДА – ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРЛАРИ ИЖРОСИ

Инвестиция дастурлари доирасида умумий қиймати 34 млн. долларлик 77 та лойиҳа ишга туширилиши натижасида қарийб 900 та иш ўринлари яратилган.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2,9 трлн. сўм кредит маблағлари йўналтирилиб, шундан 869 млрд. сўм маблағ тадбиркорлик дастурлари доирасида ажратилган.

Муҳокама жараёнида масъул ва-зирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг ахборотлари эшитилди ҳамда мавжуд камчиликларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган беш ойида 6 та йирик sanoat корхонаси-

МИНТАҚАЛАРАРО ШЕРИКЛИК ИСТИҚБОЛИДА МУҲИМ ҚАДАМ

Савдо ҳажмини ошириш, sanoat кооперациясини йўлга қўйиш ва ҳудудлар ўртасида тўғридан-тўғри ҳамкорлиқни қўлайтириш бу ҳужжатнинг асосий устувор йўналишларидан саналади. Транспорт ва логистика соҳасидаги ташаббуслар эса ушбу ҳамкорлиқнинг "ҳаракатлантирувчи қуввати" сифатида намоён бўлмоқда. "e-permit" электрон тизими ва "яшил йўл" механизми жорий этилиши юк ташвиш жараёнларини соддалаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни қамайтириш ва транзит салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистонни минтакавий логистика занжирини янада муҳим ўринга олиб чиқади.

Ташриф давомида таълим, илм-фан, рақамли технологиялар, соғлиқни сақлаш, маданият ва туризм соҳаларида имзоланиши кўзда тутилган ҳужжатлар инсон капитали ва жамиятлараро алоқаларни мустақамлашга қаратилган. Бу йўналишлар стратегик шериклиқни фақат давлатлараро эмас, балки миллатлараро ишонч ва яқинлик даражасига кўтариши билан аҳамиятлидир.

Ушбу ташриф Ўзбекистон ҳамда Грузия муносабатларини янги сиёсий ва иқтисодий реаллиқлар шароитида қайта шакллантиришга замин яратяди. Бу жараён эса минтақаларимизда янги ҳамкорлик форматларининг вужудга келишига ҳам туртки бўлади.

МОНИТОРИНГ НАТИЖАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси мажлисида соғлиқни сақлаш, электрон рақамли имзо ва стандартлаштириш соҳаларидаги қўнулар ижросини таъминлашга қаратилган қўнуности ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши юзасидан амалга оширилган мониторинг натижалари қўриб чиқилди.

Сенат қўмитасида

Хусусан, сенаторлар томонидан "Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида", "Электрон рақамли имзо тўғрисида", "Стандартлаштириш тўғрисида" ҳамда "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги қўнулар ижросини таъминлашга доир қўнуности ҳужжат-



ларининг ишлаб чиқишиши ва амалиётга жорий этилиши ҳолати таҳлилга тортилди.

Таъкидланганидек, қўнулар ижроси механизмни яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар томонидан қатор қўнуности ҳужжатлари қабул қилинган.

Инсон аъзолари ва тўқималари трансплантацияси, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари бозорини тартибга солиш, электрон рақамли имзони амалиётга жорий этиш ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳаларида қабул қилинган қарорлар ҳамда меъёрий ҳужжатлар қўнуларнинг ҳаётдаги ижросини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ўз навбатида, айрим қўнуларда назарда тутилган ҳаволаки нормаларнинг

Ўзбекистон ва БМТнинг Терроризмга қарши кураш бошқармаси ўртасида 2026-2027 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик бўйича «Йўл харитаси» имзоланди.

ва тадбиркорлик зоналарида ҳалигача лойиҳалар ишга туширилмаган.

Сенаторлар аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалаларини ҳам танқидий муҳокама қилди. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг январь — май ойларида 18 минг фуқаро доимий иш ўринларига жойлаштирилиб, 195 минг киши даромадларини оширишга қаратилган хизматлар билан қамраб олинган ва 24 минг норасмий банд бўлган шахснинг меҳнат фаолияти леда-да. Шунингдек, микролойиҳаларни ташкил этиш бўйича режа кўрсаткичлари Денов, Бойсун ва Сарисий туманларида тўлиқ бажарилмаган.

Музработ ва Олтинсой туманларида 2021 йилда очилган ёшлар sanoat

ТАРАҚҚИЁТНИ ЖАДАЛЛАШТИРУВЧИ ЖОЗИБАДОР ТАРМОҚ

Янги Ўзбекистонда кечаётган изчил ислохотлар натижасида туризм иқтисодиётининг энг жадал ривожланаётган ва юқори қўшимча қиймат яратадиган тармоқларидан бирига айланмоқда. Очиклик сиёсати, инфратузилма модернизацияси ва ички туризмни қўллаб-қувватлашга қаратилган чоралар мамлакатнинг халқаро туристик майдондаги нуфузини янада мустақамламоқда.

Фикр

Бугунги глобал иқтисодиётда туризм фақат хизмат кўрсатиш соҳаси эмас, балки инвестицияларни жалб қилиш, янги иш ўринларини яратиш, ҳудудлар ривожини таъминлаш ва маданий алоқаларни мустақамлашга хизмат қилувчи стратегик тармоқ сифатида баҳоланмоқда. Шу нуктадан назардан, Ўзбекистонда бу соҳага давлат сиёсати даражасида устуворлик берилиши эътиборга молик.

2019 — 2025 йилларга мўлжалланган Туризмни ривожлантириш концепцияси доирасида амалга оширилаётган ислохотлар соҳада янги институционал муҳитни шакллантириб, хизматлар сифатини ошириш ва рақобатбардорлиқни қўлайтиришга хизмат қилаяпти. Хусусан, хорижий туристлар учун виза тартибларининг сезиларли енгиллаштирилиши мамлакатга кириш имкониятларини кенгайттирди. Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, бугунги кунда 94 та давлат фуқаролари учун визасиз режим жорий этилган, 52 та

ПАРЛАМЕНТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

Янги Ўзбекистонда раҳнақи ва халқ

Мустақиллик йилларида фуқаролик жамияти институтлари мамлакатимиз ҳаётида муҳим ўрин эгаллаб, халқ манфаатларини йўқда қилувчи, давлат билан мулоқот ўрнатувчи тузилмага айланди, десак, айни ҳақиқат. Негаки, ушбу даврга хос ҳуқуқий ислохотлар

Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллиги олдида

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев "Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси" номли асарига Ўзбекистонда эркин ва очик фуқаролик жамиятини қарор топтириш борасида ўз қарашларини баён этиб, асосий мақсад мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва қўнуний манфаатларини, демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, аҳолининг сиёсий маданияти ҳамда ҳуқуқий онгини оширишдан иборат эканини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, мазкур ташаббуснинг асосий мақсади фуқаролик жамияти институтларини умумий мақсад йўлида бирлаштириш ва уларнинг ўзаро самарали фаолияти ва ҳамкорлигини таъминлаш, очик мулоқоти учун қўлай шароит яратишдан иборат. Бунда парламент алоҳида ўрин тутяди. Саббаби, у демократик ислохотларнинг драйвери сифатида жамиятдаги ўзгаришларни ҳаракатга келтирувчи асосий куч ҳисобланиб, инсоннинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, қўнуний манфаатларини ҳимояси йўлида муҳим қўнуларни қабул қилади.

Шу орқали мамлакатнинг бошқарув тизимини модернизациялаш жараёнига туртки беради.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асослари яратилган эди. Конституциямизда инсон ҳуқуқлари, сўз ва виждон эркинлиги, жамоат бирлашмалари тузиш ҳуқуқи кафолатланди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ), сиёсий партиялар, қасаба уюшмалари, маҳалла институтлари фаолиятини тартибга солиш қўнулар қабул қилинди.

2017 йилдан бошлаб амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар фуқаролик жамияти ривожига янги босқични бошлаб берди. Давлат органлари фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, аҳоли билан мулоқотни қўлайтириш, жамоатчилик фикрини инобатга олиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланди.

Президентнинг Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхонаси ташкил этилиб, фуқаролар муражаатлари билан ишлашнинг мутлақо

сервис лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда қўрилиш соҳасида янги иш ўринлари яратиш бўйича режалар тўлиқ бажарилмагани қайд этилди.

Муҳокама чоғида сенаторлар томонидан инвестиция лойиҳаларини рўйб-га чиқаришни жадаллаштириш, sanoat зоналари самарадорлигини кўтариш, экспорт ҳажмини қўлайтириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш механизмларини қўлайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш ишларини янги босқичга олиб чиқиш бўйича қатор тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Мажлис якунида Олий Мажлис Сенати Кенгашининг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ҳида аҳамиятга эга. Ушбу марказ ўзининг улкан мейморий қўлами ва нобб дизайн билан "Гиннесснинг рекордлар китоби"дан ўрин олгани унинг халқаро эътиборини яна бир бор тасдиқлайди.

Марказ ислом цивилизациясининг бой илмий-маърифий меросини ўрганиш, сақлаш ва тарғиб этишга қаратилган йирик илмий-амалий платформа сифатида ҳам фаолият юритмоқда. Бу ерда намойиш қилинаётган нобб қўлемалар, тарихий экспонатлар ва замонавий интерфаол технологиялар орқали халқимизнинг қўп асрлик илмий ва маънавий мероси кенг жамоатчиликка етказилаяпти.

Шунингдек, ички туризмни ривожлантиришга қаратилган "Ўзбекистон бўйлаб саяхат қил" дастури доирасида кэшбэк тизимининг жорий этилиши фуқароларнинг мамлакат бўйлаб саяхат қилиш имкониятларини кенгайтириб, маҳаллий хизматлар бозорини фаоллаштирмоқда.

Янги Ўзбекистонда туризм соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар мамлакат иқтисодий тараққиётини таъминлаш, ҳудудлар ривожини жадаллаштириш, янги иш ўринларини яратиш ва миллий маданий меросни ҳаёон миқёсида тарғиб қилишнинг муҳим омилига айланмоқда.

Жамила БОБОНАЗАРОВА, Олий Мажлис Сенатини аъзоси.

МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

Бугун дунё давлатлари ўртасидаги рақобат табиий ресурслар ёки географик устуниқлар билан эмас, аввало, инсон капитали, билим ва инновациялар салоҳияти билан белгиланмоқда. Шу нуктаи назардан, олий таълим соҳасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар нафақат таълим тизими модернизациясига, балки мамлакатнинг узок муддатли тараққиёт стратегиясини таъминлашга хизмат қилмоқда, десак, айни ҳақиқат.

Мулоҳаза

Сўнгги саккиз йил давомида мамлакатимиз олий таълим тизими ҳақиқий трансформация жараёнини бошдан кечирди. Маълумотларга кўра, 2016 йилда 18 — 23 ёшли аҳолининг олий таълим билан қамров даражаси 7,2 фоиз бўлгани ҳолда, бугунги кунда ушбу кўрсаткич қарийб 50 фоизга яқинлашди. Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилган таълим соҳасидаги ислохотларнинг натижаси ўлароқ охириги ўн йилликда мамлакатда олий таълим муассасалари сони қарийб уч баробарга ошиб, 207 тани ташкил этмоқда. Давлат университетлари билан бир қаторда 74 та хусусий ва 32 та хорижий олий таълим муассасалари ҳам таълим бозорига кириб келди. Бу эса таълим сифати учун соғлом рақобат муҳити, демекдир.

Айниқса, қабул тизимида амалга оширилган ўзгаришлар аҳоли томонидан қизгин қўллаб-қувватланган ислохотлардан бири бўлди. Чунки илгари абитуриентлар фақат битта олий таълим муассасасини танлар, ҳужжат топшириш жараёни ва бир кунда бўлиб ўтадиган қабул имтиҳонлари анча-мунча ноқулайликларни туғдирар эди.

Бугун эса рақамлаштириш тўғрисида барча жараён онлайн форматга ўтказилди, қийинчиликлар ортда қолди. Абитуриентлар уйдан чиқмасдан ёки мамлакатнинг турли ҳудудларига истаган олий ўқув юртига ҳужжат топшириши, имтиҳон натижаларига кўра бештагача таълим йўналиши ва олий таълим муассасасини танлаши мумкин.


Шу ўринда мавзу билан боғлиқ рақамларга тўхталсак, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб то шу кунгача талабаликка қабул қилинганлар сонидан мунтазам ўсиш кузатилган. Хусусан, 2020/2021 ўқув йилида 173,5 минг нафар ёш талабалик бахтига эришган бўлса, 2024/2025 ўқув йилида уларнинг сони 381,7 минг нафарни ташкил этган.

Талабалар сони ҳам изчил ўсиш тенденциясини намоён этмоқда. Хусусан, 2025/2026 ўқув йили бошида Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларида тахсил олаётганлар сони 1 млн. 607 минг нафардан ортди. Бу мамлакат олий таълим тизими тарихидаги энг юқори кўрсаткичлардан бири бўлиб, бир йил ичида талабалар 102 минг нафардан ошиб 7,1 фоизга қўпайган. Республикаимиздаги турли олий ўқув юртларини битирган ёшлар сони эса илк бор 1,5 миллионлик маррани забт этган.

Олий таълим соҳасидаги ислохотларнинг яна бир муҳим жиҳати — иктидорли ёшларни (масалан, халқаро сертификатларга эга йигит-қизларни, фан олимпиадалари ғолиблари, спорт мусобақалари совриндорлари ва давлат мукофотлари соҳибларини) қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштиришди. Бунинг замирида эса муҳим стратегик мақсад ётади. Яъни давлат ёшларни нафақат билим олишга, балки халқаро майдонда рақобатлаша оладиган даражада ўз устида ишлашга рағбатлантиришмоқда. Натижада ёшлар орасида халқаро сертификатлар олиш, хорижий тилларни ўрганиш, илм-фан ва инновацияларга қизиқиш сезиларли даражада ортди.

ПАРЛАМЕНТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

Янги Ўзбекистонда раҳнақи ва халқ



сидаги ислохотлар парламент фаолиятини чуқур ислох қилишдан бошланди.

Бу жараёнларда, биринчи навбатда, миллий парламент ва сиёсий партияларнинг роли янада қўлайтирилди. Энг муҳими, депутатлар фаолияти фақат қўну лойиҳаларини қўриб чиқиш билан чекланиб қолмай, балки жойларга чиқиб, аҳолининг турмуш шароитини ўрганиш, фуқароларни қўйнаётган муаммоларни тизимли таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топишда бевосита иштирок этишга йўналтирилди.

Мазкур саъй-ҳаракатларнинг натижадорлигини таъминлаш мақсадида Олий Мажлис Қўнуңчилик палатаси ҳузурида тегишли комиссиялар тузилди. Комиссиялар аъзолари мавжуд муаммоларни мунтазам ўрганиб боришмоқда ва уларни бартараф этиш юзасидан қатор амалий чора-тадбирлар қўришмоқда.

Сўнгги йилларда давлат билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ўзаро самарали ҳамкорлик ҳаётимизнинг деярли барча жаҳасини, жумладан, сиёсий-ҳуқуқий, социал-иқтисодий, гуманитар ҳамда маънавий-маърифий соҳаларни қамраб олди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти



Бундан ташқари, сўнгги йилларда хотин-қизларнинг олий таълимдаги иштирокига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Илгари таълим олиш имконияти чекланган минглаб қизлар бугун давлат томонидан яратилган грантлар, имтиёзли таълим кредитлари ва мақсадли квоталар орқали талабалик бахтига муяссар бўлмоқда. Бугун олий таълим муассасаларида тахсил олаётган талаба қизлар улуши 50 фоиздан ортгани гендер тенглигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган сиёсатнинг амалий натижасидир.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлар учун яратилган қўшимча имкониятлар эса адолатли жамият қуриш тамойилларининг амалий ифодаси бўлмоқда.

Соҳадаги ислохотларнинг навбатдаги босқичи таълим сифатини ошириш билан боғлиқ. Қамровни кенгайтириш вазифаси муайян даражада ҳал этилган экан, энди асосий эътибор таълим мазмунини меҳнат бозори талабларига мослаштириш, университетларнинг илмий салоҳиятини ошириш ва академик мустақиллигини кенгайтиришга қаратилмоқда.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсадлардан бири — мамлакатни минтақадаги таълим ва илм-фан марказларидан бирига айлантириш. Бунинг учун университетларнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш, илмий тадқиқотларнинг амалиёт билан интеграциясини қўлайтириш ва хусусий сектор билан ҳамкорлиқни янада кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги глобал иқтисодиётда университетлар нафақат таълим берувчи муассаса, балки инновациялар маркази сифатида ҳам фаолият юритмоқда. Шу боис олий таълим муассасаларининг илмий ва технологик салоҳиятини ошириш мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигига ҳам бевосита таъсир кўрсатади.

Таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар инсон қадрини улуғлаш, ижтимоий адолатни таъминлаш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги муҳим қадамлардан биридир. Бугун университет эшиклари минглаб ёшлар учун кенг очилган экан, эртага айнан улар мамлакат иқтисодиёти, давлат бошқаруви, илм-фан ва инновациялар соҳасининг етакчи қучига айланади.

Шу маънода, олий таълим тизимида амалга оширилган ислохотларга нафақат бир соҳадаги ўзгариш, балки Янги Ўзбекистоннинг интеллектуал келажакни янада барпо этишга қаратилган тарихий аҳамиятга эга сиёсий жараён сифатида баҳоланиши лозим. Зеро, мамлакат тараққиётининг энг ишончли кафолати — билимли, замонавий филклайдиган ва Ватан тақдирини учун масъулиятни ҳис қиладиган ёш авлоддир.

Одилжон МАМАТКАРИМОВ, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси.

ПАРЛАМЕНТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

Янги Ўзбекистонда раҳнақи ва халқ

давлат ва жамият муносабатларини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди. Бу эса, табиийки, юртимизда ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш, сўз эркинлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда муҳим қадам бўлди.

Истиқболни белгиланган стратегия

Шу ўринда айтиш жоизки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва 2017 йил 7 февралда қабул қилинган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси халқ хоҳиш-иродаси, эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда янги ис-тиқболга мўлжалланган тараққиётни белгилувчи бош дастурий ҳуж-жат бўлди.

Мазкур тарихий ҳужжатда асосий эътибор "Қучли давлатдан — қучли фуқаролик жамияти сари" концепцияси қоидаларини ўзида тўлиқ мужассамлаштирган ҳолда

Ўзбекистон ва БМТнинг Терроризмга қарши кураш бошқармаси ўртасида 2026-2027 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик бўйича «Йўл харитаси» имзоланди.

Олий Мажлис
Конунчилик палатасида

НАРКОЖИНОЯТЧИЛИККА
ҚАРШИ КУРАШ
ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛАДИ



Олий Мажлис
Конунчилик палатаси-
нинг Коррупцияга
қарши курашиш ва
суд-хуқуқ масалалари
қўмитаси томонидан
прекурсорларнинг
қонунга хилоф муома-
ласи учун жавобгарлик белгилашга қаратилган қонун
лойиҳаси дастлабки тарзда қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, кейин-
ги йилларда мамлакатимиз-
да гиёҳвандлик ва уюшган
наркожиноятчиликка қарши
курашиш фаолиятини сифат
 жиҳатдан янги босқичга олиб
 чиқиш орқали аҳолини, би-
ринчи навбатда, ёшлар са-
ломатлигини ҳамда миллат
генофондини самарали
ҳимоя қилиш бўйича кенг
қўламли ишлар амалга оши-
рилмоқда.

Шу билан бирга, ғайри-
қонуний нарколаборатория-
ларда прекурсорлардан
фойдаланган ҳолда синтетик
гиёҳвандлик воситаларини
тайёрлаш ва тарқатишга

қарши курашиш самарадор-
лигини ошириш мақсадида
прекурсорларнинг ноқону-
ний муомаласи учун жавоб-
гарлик чораларини белги-
лаш зарурияти юзага
келаётир.

Мазкур қонун лойиҳаси
билан Жиноят, Жиноят-
процессуал ҳамда Маъму-
рий жавобгарлик тўғриси-
даги кодексларга ўзгари-
тириш ва қўшимча киритил-
моқда.

Айни пайтда қўмита томо-
нидан ушбу қонун лойиҳаси
куйи палата мажлиси кун
тартибига киритиш учун
тайёрланмоқда.

МАҚСАД — АҲОЛИ
ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Олий Мажлис Конунчилик палатасининг Тадбир-
корлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масала-
лари қўмитаси томонидан қўрилиши тугалланмаган
кўп квартиралли уйларда фуқароларнинг ноқонуний
яшашига рухсат бериш ҳолатларининг олдини олиш-
га қаратилган қонун лойиҳаси ишчи ғруҳ йиғилиши-
да қўриб чиқилди.

Депутатлар, Бош проку-
ратура, тегишли вазирлик
ва идоралар вакиллари,
хуқуқшунослар иштирокида
ўтган йиғилишда қонун ло-
йиҳаси концептуал жиҳатдан
атрофлича муҳокама
қилинди.

Айтиши жоизки, бугунги
кунда мамлакатимизда ша-
харсозлик соҳасини тако-
миллаштириш бўйича тизим-
ли чора-тадбирлар амалга
оширилмоқда. Аммо, шу би-
лан бирга, қурилиши тугал-
ланмаган ва белгиланган
тартибда фойдаланишга
қабул қилинмаган кўп квар-
тиралли уйларда фуқаролар-
нинг ноқонуний яшашига
рухсат бериш ҳолатлари со-
ҳада фуқароларнинг хавф-
сизлигини таъминлаш ҳамда
хуқуқбузарликларнинг олди-
ни олишга қаратилган пре-
вентив чораларни кучайти-
ришни талаб этмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси би-
лан белгиланган тартибда
фойдаланишга қабул қилин-
маган кўп квартиралли уйлар-
га мансабдор ва масъул
шахслар томонидан фуқаро-
ларнинг кўчиб киришига йўл
қўйганлик учун жавобгарлик
чораларини кучайтириш на-
зарда тутилган.

Муҳокама давомида
қўмита аъзолари ва депутат-
лар қонун лойиҳаси юзаси-
дан ўз фикр-мулоҳазаларини
билдириб, ҳужжатнинг
бугунги кундаги зарурати,
ижтимоий-хуқуқий аҳамияти
ва амалиётдаги муаммо
масалаларни ҳал этишдаги
ўрнига алоҳида эътибор
қаратди. Шунингдек, лойи-
хани янада пухта ва мукам-
мал ҳолатга келтириш бўйи-
ча қатор таклифлар илгари
сурилди.

«Халқ сўзи».



ЮҚОРИ РАҒБАТ ВА
МАНФААТДОРЛИК

мавсум муваффақиятларининг бош омилидир

Бў юксак натижалар фа-
қат ғаллачилик учун қўлай
келган табиий-иклим шароити билан
изоҳланмайди, албатта. Унинг зами-
рида Президентимиз томонидан фер-
мерларга яратиб берилган шарт-ша-
роитлар, тақдим этилган имтиёз, суб-
сидия ва имкониятлар натижалари
мужассам, десак, адашмаймиз.

Дарҳақиқат, охириги бир-икки йил
давомида ғаллачилик ва пахтачилик
йўналишида фаолият юритаётган
фермерлар учун қатор муҳим энгил-
лик ва рағбатлантириш чоралари жо-
рий этилди. Жумладан, Президенти-
мизнинг 2025 йил 9 декабрдаги "Пах-
тачилик ва ғаллачиликда ҳосилдор-
лиқни ошириш учун юқори самара-
дор интенсив агротехнологияларни
қўллашнинг қўшимча чора-тадбирла-
ри тўғрисида"ги қарори билан замо-
навий интенсив агротехнологиялар-
ни кенг қўллаш, илм-фан ютуқлари
ва "Устоз — шогирд" аънааларига
асосланган янги тизимни татбиқ
қилиш орқали ҳосилдорликни оши-
риш белгиланди.

Ғалла етиштирувчи фермер хўжа-
ликларини молиявий қўллаб-қувват-
лаш мақсадида 2026 йилги мавсум-
дан бошлаб, ҳосилни ўз маблағлари
ёки тижорат кредитлари ҳисобидан
етиштириб, уни белгиланган тартиб-
да биржа савдолари ёки давлат ре-
сурси учун реализация қилган қишлоқ
хўжалиги қорхоналарига маҳсулот
қийматининг 10 фоизи миқдоридида
субсидия берилиши йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2026 йил 8
майдаги "Пахта ва бугдой етишти-
рувчиларни молиявий қўллаб-қувват-
лашнинг қўшимча чора-тадбирлари
тўғрисида"ги Фармони билан эса
ғалла парвариши харажатлари учун
ажратилган имтиёзли кредитларни
ҳосил йилнинг 1 августига қадар
тўлиқ қайтарган хўжаликларга ушбу
кредитлар бўйича тўланган фоизнинг
4 фоизлик пункт маблағлари фермер
хўжаликларига қайтарилиб, дизель
ёнгилгисини харид қилиш билан бо-
ғлиқ харажатларни қисман қоплаш
мақсадида субсидия ажратилиши
белгиланди. Бундан ташқари, томи-
члатиб ва ёмғирлатиб сугорғиш ҳамда
рақамли технологияларни тўлиқ жо-
рий этиш каби замонавий тизимлар-
ни амалиётда кенг қўллаётган
фермерларга қўшимча имтиёзлар
берилган.

Давлат томонидан қишлоқ хўжали-
ги қорхоналари ва фермерларини
қўллаб-қувватлаш бўйича қўрилаётган
бундай тизимли чора-тадбирлар мав-
сум муваффақиятларининг бош
омили бўлди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки,
ғалла ўрими-йиғимини ўз вақтида

уюшқоқлик билан ташкил қилган
Хонқа, Богот, Гурлан, Янгибозор, Шо-
вот, Қўшқўпир, Хазорасп, Мирзақўл,
Пахтакор, Дўстлик, Зафаробод, Кас-
би, Нишон, Косон, Вобкент, Бухоро,
Ромитан, Қумқўрғон, Бандихон,
Шўрчи, Шеробод, Сардоба, Оқолтин,
Гулистон, Сайхунобод, Қизилтепа,
Бешарик, Бувайда ва Амударё туман-
ларида юқори ҳосилдорликка эриш-
ган илғор фермер хўжаликлари сал-
моғи анча кўп.

Ғалла парваришида замонавий аг-
ротехнологиялар қўллаган қўллаб ил-
гор фермер хўжаликларида гектари



дан 100 — 120 центнердан мағзи тўқ
ҳосил олиниб, эл-юрт хирмонига му-
носиб ҳисса қўшилди.

Хонқа туманида фаолият юри-
таётган "Қурамбой темирчи" фермер
хўжалиги раҳбари Фарход Қурамбоев
эришилган бу йилги ютук жорий мав-
сумда барқарор таъминот тизими
йўлга қўйилиб, минерал ўғитлар,
ёнгилғи-мойлаш материаллари ва
маблаг ўз вақтида етказилгани, соҳа
мутахассислари эса далага келиб,
зарур тавсия ва маслаҳатларини
берганининг самараси эканини ай-
тади.

Бу фикрда бир муҳим ҳақиқат бор
— у ҳам бўлса, фермер учун энг та-
қат рағбат унинг меҳнати қадрланаёт-
ганини ҳис қилаётганидир. Юртимиз
деҳқонлари аграр соҳадаги ислохот-
ларда ҳам инсон қадрини юксалти-
риш, моддий манфаатдорлигини оши-
риш кўзда тутилганини чуқур ҳис қил-
моқда. Зотан, бугун қишлоқ хўжали-
гида 50 дан ортиқ субсидия ва
қўллаб-қувватлаш механизмлари
амалда. Минерал ўғит, техника, сув
тежовчи технологиялар, уруғлик ва
бошқа йўналишлардаги берилган им-
тиёзлар фермер харажати енгил-
лаштириб, кўпроқ даромад олишига
хизмат қилмоқда.

Энг асосийси, фермер маҳсулоти-
ни бозорда эркин сотиш имконияти-
га эга бўлди. Биз суҳбатлашган фер-

мер Фарход Қурамбоевнинг айтиши-
ча, шартномада кўрсатилган миқдор-
даги ғаллани давлатга сотган бўлса,
қолган маҳсулотини биржа орқали
савдога қўйган.

Бугун меҳнат қилган фермер ва
деҳқон унинг роҳатини ҳам кўрпаяпти.
Инсон ўз ишидан манфаат кўрса, яна-
да кўпроқ ҳаракатда бўлади. Сўнгги
йилларда қишлоқ хўжалигида илм ва
инновацияларга ҳам жиддий эътибор
қаратилмоқда. Илгари кўпчилик фа-
қат тажрибага суянган бўлса, бугун
фермерлар уруғ танлашдан тортиб
агротехника тадбирларига ҳам
ёндашув асосида
ишлаяпти. Пировар-
дида ўтган йилларда
гектаридадан 50 —
60 центнер ҳосил
олган аксарият фер-
мерлар бу йил янги
нав экиб, ўғитлаш ва коммуни-
кация" йўналишини имтиёзли
диплом билан таъминлади.

Мирмуҳсин Суёнов айни
пайтда Италиянинг Милан
университетига "Барқарор
ривожланиш учун халқро ва
оммавий хуқуқ, этика ва иқти-
содий" йўналиши бўйича док-
торантурада таҳсил оляпти.

Албатта, омад ўз-ўзидан
келмайди. Муваффақият сари
йўл узок йиллик изланишлар,
тинимсиз меҳнат ҳамда илм-
га қизиқиш билан чамбарчас
боғлиқ. Мирмуҳсин Суёнов-
нинг таълим йўли бир неча
давлат ва китъаларни қамраб
олади. У 2022 — 2024 йил-
ларда Италиянинг Рим шаҳ-
ридаги машҳур Ла Сапиенца
университетидида магистратура
босқичида таҳсил олиб, "Ме-
нежмент ва инновациялар
учун иқтисодий ва коммуни-
кация" йўналишини имтиёзли
диплом билан таъминлади.

Мирмуҳсин магистрлик
диссертацияси доирасида
Италия фонд бозори фаолият-
ини мустиқл эмпирик таҳ-
лил қилиб, оммавий капитал
бозорлари иқтисодий ўсишга
қандай таъсир кўрсатишини
илмий жиҳатдан ўрганди.

Ушбу тадқиқот барқарор мо-
лиявий бозорларни шакл-
лантириш масалаларига
бағишланган муҳим илмий
ишлардан бири сифатида
эътироф этилди.

Ёш ватандошимизнинг
халқро таълимдаги муваффа-
қиятлари бу билан чекланиб
қолмади. У Жанубий Корея
ҳамда "3+1" икки диплом
дастури доирасида Франция-
даги нуфузли олийгоҳларда
ҳам таҳсил олиб, ривожлан-
ган хориж мамлакатларининг
илгор таълим тизимини ўрган-
ди, бой академик тажриба
тўлашга муваффақ бўлди.

Хозирги пайтда Мирмуҳсин
Суёнов нафақат докторант,
Ақтам ҲАЙТОВ,
Ўзбекистон Фермерлари кенгаши
раиси.

ЁШ ОЛИМНИНГ
ХАЛҚАРО
ЮТУҒИ

Бугунги кунда дунёнинг нуфузли университетла-
рида таҳсил олаётган ва илм-фан соҳасида юксак
натижаларга эришяётган ватандошларимиз сафи то-
бора кенгайиб бормоқда. Уларнинг муваффақиятла-
ри нафақат шахсий ютуқ, балки мамлакатимизнинг
интеллектуал салоҳияти ҳамда ёшларнинг халқро
майдондаги рақобатбардошлигини намоён этаётир.

Фахр

Мирмуҳсин Суёнов айни
пайтда Италиянинг Милан
университетига "Барқарор
ривожланиш учун халқро ва
оммавий хуқуқ, этика ва иқти-
содий" йўналиши бўйича док-
торантурада таҳсил оляпти.

Албатта, омад ўз-ўзидан
келмайди. Муваффақият сари
йўл узок йиллик изланишлар,
тинимсиз меҳнат ҳамда илм-
га қизиқиш билан чамбарчас
боғлиқ. Мирмуҳсин Суёнов-
нинг таълим йўли бир неча
давлат ва китъаларни қамраб
олади. У 2022 — 2024 йил-
ларда Италиянинг Рим шаҳ-
ридаги машҳур Ла Сапиенца
университетидида магистратура
босқичида таҳсил олиб, "Ме-
нежмент ва инновациялар
учун иқтисодий ва коммуни-
кация" йўналишини имтиёзли
диплом билан таъминлади.

Мирмуҳсин магистрлик
диссертацияси доирасида
Италия фонд бозори фаолият-
ини мустиқл эмпирик таҳ-
лил қилиб, оммавий капитал
бозорлари иқтисодий ўсишга
қандай таъсир кўрсатишини
илмий жиҳатдан ўрганди.

Ушбу тадқиқот барқарор мо-
лиявий бозорларни шакл-
лантириш масалаларига
бағишланган муҳим илмий
ишлардан бири сифатида
эътироф этилди.

Ёш ватандошимизнинг
халқро таълимдаги муваффа-
қиятлари бу билан чекланиб
қолмади. У Жанубий Корея
ҳамда "3+1" икки диплом
дастури доирасида Франция-
даги нуфузли олийгоҳларда
ҳам таҳсил олиб, ривожлан-
ган хориж мамлакатларининг
илгор таълим тизимини ўрган-
ди, бой академик тажриба
тўлашга муваффақ бўлди.

Хозирги пайтда Мирмуҳсин
Суёнов нафақат докторант,



балки ёш олим ва педагог си-
фатида ҳам фаолият юритаёт-
тир. У Италиядаги "Milano-
Biossica" университетидида иш-
лаяпти. Барқарорлик учун биз-
нес стратегияси ва илгор кор-
поратив молия, Корпоратив
молия ҳамда Корпоратив мо-
лия асослари фанлари бўйи-
ча магистратура курсларининг
имтиҳон комиссиялари тарки-
бида фаол қатнашади. Бу
масъулиятли фаолият унга на-
фақат ўз билимларини янада
бойитиш, балки келажақ иқти-
содчилари ва молиячилари-
нинг шаклланишига ҳам му-
носиб ҳисса қўиши имконини
бермоқда.

Бундай ютуқлар замирида,
аввало, Президентимизнинг
ёшларни қўллаб-қувватлашга
қаратилган давлат сиёсати-
ни амалий фаолиятни рағ-
батлантириш механизмлари
ва халқро таълим дастурла-
ри янги авлод мутахассисла-
рининг шаклланишига муҳим
омил бўлаётир. Энг муҳими,
бу имкониятлар ёшларнинг
ўз салоҳиятини рўбёга чиқар-
иши ва халқро майдонда
мамлакатимиз нуфузини яна-
да юксалтиришига хизмат
қилмоқда.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

ИШОНЧ ВА ИЛҲОМ
БАФИШЛАГАН
УЧРАШУВ

Ёшлар куни муносабати билан давлатимиз
раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг юртимиз йилги-
қизлари билан ўтказган аънаваний учрашуви
миллионлаб тенгдошларим қатори менинг ҳам
ҳаётимда ўчмас из қолдирди.

Дил сўзи

Президентимиз очиқ муло-
қотда барчамизни байрам
билан самимий қутлади. Ёшлар-
нинг таълим олиши, ижтимо-
ий ҳимояси, бандлиги, тад-
биркорлигини ривожлантири-
ши, орзу-ниятларини рўёбга
чиқариши учун келгусида
амалга оширилаётган чора-
тадбирларни белгилаб берди.
Биз билан самимий суҳбат-
лашди. Таклиф ва ташаббус-
ларимиз билан қизикди.



Давлат раҳбарининг ҳузу-
рида сўзга чиқиш, таклиф би-
лдириш ҳар қандай талаба учун
катта шараф. Шу маънода,
микрофон қаршисига яқинла-
шарканман, нихоятда ҳаяжон
босди. Шунда Президентимиз-
нинг оталарча меҳри, дал-
даси, диққат билан тинглаёт-
гани ўзимга бўлган ишончини
кучайтирди.

Учрашувда далада "билим-
лар иқтисодиёти"ни амалиёт-
га татбиқ этишга киришганим
ҳақида сўзлаб бердим.

Ғап шундаки, Президенти-
мизнинг ташаббуси билан жо-
рий қилинган "Янги агроном"
дастури доирасида Юқори
Чирчиқ туманидаги "Иннов-
ация ва технологияларни жо-
рий қилиш маркази" фермер
хўжалигида 100 гектарга яқин
экин майдонига бириктирил-
ганман. Дала майдонидида
фермер билан ёнма-ён туриб,
пахта ва ғаллачиликда юқори
ҳосилдорликка эришиш сир-
ларини ўрганилман.

Билолиддин МИРЗАЕВ,
Тошкент давлат аграр
университети талабаси,
«Янги агроном» дастури
иштирокчиси.

ЎРТАСИДАГИ ИЗЧИЛ ҲАМКОРЛИК

фаровонлигининг энг муҳим шарти

фуқаролик жамиятини ривожланти-
ришининг хуқуқий асосларини изчил
такомиллаштириш, фуқаролик жа-
мияти институтларига қўмаклашиш
ҳамда уларни давлат томонидан
қўллаб-қувватлаш механизмни
янада такомиллаштиришга хизмат
қилди. Шу билан бирга, бу ҳужжат-
лар давлат ва жамият бошқаруви-
да фуқаролик жамияти институтла-
рининг фаол иштирок этиши учун
зарур шарт-шароитлар яратиш,
давлат ижтимоий лойиҳаларини
амалга оширишда фуқаролик жамия-
ти институтларининг иштирокчини
янада кенгайтириш ҳамда фуқаро-
лик жамияти институтлари фаолият-
ининг очиклигини таъминлашга
қаратилган билан ҳам янада
аҳамиятли.

Бунинг хуқуқий негизини, албат-
та, биринчи ўринда фуқаролик жа-
мияти институтлари фаолиятини
тартибга солувчи қонунчилик ҳуж-
жатлари ташкил этади. Бу ҳужжат-
ларни такомиллаштириш орқали
давлат ва жамоат бошқаруви тизи-
мини, халқ билан мулоқотнинг са-
марали механизмлари жорий
этиш, жамоатчилик назоратини
амалга оширишнинг замонавий
шакллари ривожлантириш ҳамда
ижтимоий шериклигини самараси-
ни кенгайтириш парламентнинг энг
муҳим вазифаларидан бири ҳисоб-
ланади.

Оқорида қайд этилган Ҳара-
катлар стратегияси, қолаверса,
2022 — 2026 йилларга мўлжаллан-
ган Янги Ўзбекистоннинг тарақиёт
стратегияси, "Ўзбекистон — 2030"
стратегияси каби концептуал аҳиа-
матга эга бўлган ҳужжатларда фуқа-
ролик жамиятини янада ривож-

лантиришга оид қатор мақсад, ва-
зифа ва кўрсаткичлар белгиланган.
Шундан келиб чиқиб, ҳар йили
қабул қилинадиган давлат дастур-
ларида фуқаролик жамияти инсти-
тутлари ва нодавлат нотижорат
ташкилотлари фаолиятини янада
кучайтириш билан боғлиқ алоҳида
бандлар белгиланаётгани диққатга
сазовор, албатта.

Назоратнинг
таъсирчан
усули

Янги тахрирдаги Конституция-
миз халқимиз иродасининг ҳақи-
қий инъикоси сифатида барча со-
ҳада туб ислохотлар учун хуқуқий
пойдевор яратди. Хусусан, фуқа-
роларнинг шахсий, сиёсий, иқти-
содий, ижтимоий, маданий ва эко-
логия соҳасидаги хуқуқлари бўйи-
ча қатор муҳим кафолатлар мус-
таҳкамланди. Бош қомусимизга илк
марта фуқаролик жамияти инсти-
тутларига бағишланган алоҳида
боб киритилиб, унинг XIII боби
"Фуқаролик жамияти институтлари"
деб номланди.

Ушбу боб фуқаролик жамияти
институтларининг хуқуқий мақо-
мини аниқ белгилаб берди. Консти-
туциянинг 69-моддасига кўра,
фуқаролик жамияти институтла-
ри, жумладан, жамоат бирлашма-
лари ва бошқа нодавлат нотижо-
рат ташкилотлари, фуқаролар-
нинг ўзини ўзи бошқариш орган-
лари, оммавий ахборот восита-
лари фуқаролик жамиятининг
асосини ташкил этади. Шу тарика

ННТ ҳамда фуқаролик жамияти-
нинг бошқа институтларини қўл-
лаб-қувватлаш чора-тадбирлари
кучайди, давлат идоралари би-
лан улар ўртасида ижтимоий ше-
риклик кенгайиб, жамоатчилик
назоратининг таъсирчанлиги оша
бошлади.

Фуқароларнинг жамоавий муро-
жаат қилишга доир конституциявий
хуқуқларини таъминлаш, аҳолини
таъминлашга солаётган муаммоларни
ҳал этиш самарадорлигини ошириш
мақсадида "Mening fikrin" веб-пор-
тали очилгани айни мудоао бўлди.
Бунга мос тарзда ислохотларда
фуқароларнинг иштирокини янада
кенгайтиришга қўмаклашиш ҳамда
уларнинг жамиятни ҳар томонлама
ривожлантиришга қаратилган та-
шаббусларини фаол қўллаб-қувват-
лаш мақсадида Олий Мажлис
Конунчилик палатасининг Жамоа-
вий ташаббуслар бўйича комис-
сияси тузилди.

Қуйи палатанинг барча қўмита-
си ҳузурида экспертлар, мутахас-
сислар ва фуқаролик жамияти
институтлари вакилларидан иборат
жамоатчилик кенгашлари тузилди,
улар самарали фаолият олиб бор-
моқда. Энг муҳим иқтисодий ва
ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга
норматив-хуқуқий ҳужжатлар
лойиҳаларини жамоатчилик муҳо-
касасидан ўтказиш амалиёти
йўлга қўйилди.

Фуқаролик жамияти институтла-
рини амалга оширилаётган кенг
қўламли ижтимоий-иқтисодий исло-
хотларга жалб этиш, асосан, улар
фаолиятини қўллаб-қувватлаш би-
лан боғлиқ. Мазкур масалада ҳам

юртимизда тизимли ишлар олиб
борилаётир.

Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаро-
лик жамияти институтларини қўллаб-
қувватлаш жамоат фонди томонидан
сўнгги тўрт йилда 2 934 та лойиҳа
молиявий жиҳатдан қўллаб-қувват-
ланди. Бу ўрсаткич 2008 —
2016 йиллардагига нисбатан 30 ба-
робар ошган. 2024 йилда ягона
электрон платформа ишга тушири-
лиши натижасида Жамоат фонди
фаолиятида очиклик, ошқоралик ва
шаффофлик таъминланмоқда.

Шубҳасиз, ўтган даврда инсон
хуқуқларини таъминлаш, жамоатчи-
лик назоратини кучайтириш, дав-
лат органлари фаолиятининг очик-
лигига эришиш ва фуқароларнинг
ижтимоий фаолигини ошириш
йўналишида салмоқли натижалар
қўлга киритилди.

Демократик
тараққиёт
кўзгуси

Мустақилликнинг 35 йиллиги
Ўзбекистоннинг давлатчилик та-
рихи ва демократик тараққиёти

Истиқлол айёми арафасида эришилган натижалар шуни
кўрсатмоқдаки, парламент ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ҳамкорлик
мамлакатимизда қонун устуворлиги, инсон хуқуқларини таъминлаш
ҳамда барқарор тараққиёт мақсадларига эришишнинг муҳим кафолати
бўлиб қолмоқда. Демак, келгусида ҳам мазкур институтларнинг
салоҳиятини ошириш, аҳолининг давлат бошқарувидаги иштирокини
кенгайтириш ва жамоатчилик назорати механизмларини
такомиллаштириш масалалари Янги Ўзбекистоннинг демократик
ривожланишида ҳал қил

ГЛОБАЛ КАПИТАЛ БОЗОРИНИНГ МАРКАЗИ

Яъни оқилона пул-кредит сибасати юритилиб, хусу- сийлаштириш жараёни шаффофли- ги таъминланаяпти, бизнес юритиш тобора либераллаштирилмоқда. Пировардида Ўзбекистон халқаро кредит рейтинги йил сайин яхши- ланиб, жорий йилда мамлакатимиз нуфузли "Иқтисодий эркинлик ин- декси"да 14 поғона юқорилади ва "иқтисодиёти мўътадил" эркин давлатлар каторидан жой олди.

Эътибор беринг, жорий йилнинг январь — март ойларида мамла- кат ялпи ички маҳсулоти ўтган йилнинг мос давридагига нисба- тан 8,7 фоиз, sanoat маҳсулотла- рини ишлаб чиқариш 8 фоиз ва бозор хизматлари 16,1 фоиз ўсган бўлса, тўғридан-тўғри хорижий ин- вестицияларнинг салмоғи янада ортган. Ана шундай иқтисодий ўсиш ва юксалиш манзарасида Ўзбекистон глобал бозорда ишонч- ли савдо-сармоввий ҳамкор си- фатида намоён бўлмоқда. Натижа- да йирик инвесторлар, халқаро мо- лия институтлари, хорижий банк- лар, глобал корпорациялар, ком- паниялар, инвестиция жамғарма- лари ва ишбилармон доиралар ва- килларининг юртимизга интилиши кўйаймоқда. Буни давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан асос солиниб, аънанавий равиш- да ўтказиб келинаётган Тошкент халқаро инвестиция форумининг нуфузи ортиб бораётгани ҳам тас- диқлайди. Чиндан ҳам, бу йил фо- румнинг беш йиллик фаолиятида- ги рекорд натижалар қайд этилди.

Биринчидан, форумда иштирок- чи давлатлар жуғрофияси, ташриф буюрувчилар сони бўйича аввалги кўрсаткичлар янгиланди: жаҳон- нинг 100 дан ортқ мамлакатла- ридан 10 мингдан зиёд делегат ва иштирокчилар қатнашди. Шундан 4 мингга яқинини хорижий давлат- лар ҳукуматлари раҳбарлари, ну- фузли компаниялар ва ишбилар- мон доиралар вакиллари билан ибор- ат меҳмонлар ташкил этди. Вахоналани, форумда 2022 йилда 1050 нафар, 2023 йилда 1142, 2024 йилда 1874, 2025 йилда эса 2022 нафар хорижий делегат иштирок этган эди.

Иккинчидан, форум дастури яна- да кенгайиб, унинг доирасида жами 79 та тадбир бўлиб ўтди. Жумладан, 34 та панель муноза- раси, 8 та инвестицион питч-сес- сия ҳамда АКШ, Хитой, Корея Рес- публикаси, Туркия, Озарбайжон, Саудия Арабистони ва БАА ишти- рокида 7 та йирик икки томонла- ма бизнес-форум ўтказилди.

Учинчидан, форумда "BlackRock", "JPMorgan Chase", "Citibank", "Visa", "Franklin

Templeton", "Standard Chartered", "London Stock Exchange Group", "Bank of China", "BP", "Masdar", "ACWA Power", "Airbus", "John Deere", "Meta", "Coca-Cola", "DP World", "AD Ports Group" син- гари реал сектор компаниялари- нинг 3145 нафар вакили иштирок этди. Бу ўтган йилдагига нисба- тан 1480 нафарга кўп. Форумда қатнашган компаниялар бошқару- видаги активларнинг умумий ҳажми қарийб 42 трлн. долларга баҳоланди.

Тўртинчидан, форум тенг ман- фаатли келишувларга ўта бой бўлди. Умумий қиймати 43,1 млрд. долларлик 166 та инвестиция шартномаси имзоланди. Таққослаш учун келтирамиз, 2023 йилда 11 млрд. доллар, 2024 йилда 26,6 млрд., 2025 йилда 30,5 млрд. долларлик келишувларга эришил- ганди.

Шубҳасиз, бу натижалар Янги Ўзбекистоннинг барқарор иқти- содий тараққиётига, юксак савдо-сармоввий салоҳияти- га мустаҳкам ишончнинг ёрқин ифодасидир.

Минтақанинг иқтисодий «ўсиш нуктаси»

Тез ўзгараётган дунёда барқарорлик яққаланиш эва- зига эмас, балки иқтисодий диверсификация, инновация ва кўп қиррали ҳамкорлик ҳисобига таъминланади. Чунки савдо келажаги фақат ташқи ша- роитлар билан белгиланмайди. У қабул қилинадиган мақбул қарорлар, йўлга қўйиладиган мустаҳкам ҳам- корлик ва мақсадлар муштараклиги туфайли шаклланади. Чунки глобал савдо ва таъминот занжирларида нархдан кўра ишончлилик, барқа- рорлик ҳамда хатарларни бошқариш омиллари устувор аҳамият касб эта- ди. Шу маънода, чет эллик мута- хассислар Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонни мавжуд савдо ва ло- гистика марказларига рақобатчи си- фатида эмас, балки тобора дивер- сификацияланаётган глобал таъми- нот тизимининг муҳим бўғини си- фатида эътироф этмоқда. Ўзбеки- стон эса ўзининг қулай география- жиойлашувидан самарали фойдала- ниб, Европа, Хитой ва Жанубий Осиё ўртасидаги энг асосий ҳамда ишончли транспорт-логистика мар- казига айланишга интиломоқда.

Қатарнинг "Snooip" компанияси асосчиси ва бош ижрочи директо- ри Ҳамд Мубарак ал-Ҳажри Ўзе- бистоннинг асосий устулиғи фақат географик жойлашув билан чеклан-

маслигини таъкидлайди. "Биз Ўзе- бистонда катта салоҳиятни кўряп- миз. Бу ерда меҳнатсевар, интизом- ли ва катта мақсадларни кўзлайди- ган инсонлар яшайди. Инвесторлар учун айнан инсон капитали энг му- ҳим омиллардан биридир", дея юр- тимизнинг малакали кадрлар ва ис- тикболли тадбиркорлар салоҳияти- га юқори баҳо берди. Таъбир жоиз бўлса, аини шу омил янги имкони- ятлар эшигини очаетири. Яъни рақо- батбардош инсон капитали туфай- ли Янги Ўзбекистон минтақанинг янги иқтисодий "ўсиш нукта"лари- дан бири сифатида майдонга чиқ- моқда. Бунда Тошкент халқаро мо- лия маркази (ТХММ) маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун ишонч-

“Эътибор беринг, жорий йилнинг январь — март ойларида мамлакат ялпи ички маҳсулоти ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 8,7 фоиз, sanoat маҳсулотларини ишлаб чиқариш 8 фоиз ва бозор хизматлари 16,1 фоиз ўсган бўлса, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг салмоғи янада ортган. Ана шундай иқтисодий ўсиш ва юксалиш манзарасида Ўзбекистон глобал бозорда ишончли савдо-сармоввий ҳамкор сифатида намоён бўлмоқда.”

ли сармоввий мулоқот майдони бўлиб хизмат қилади.

Минтақадаги етакчи молия ва ин- вестиция марказларидан бири бўли- ши кўтиляётган ТХММни яратишда Ўзбекистон ҳукумати фақат назария билан чекланиб қолмасдан, ҳамкор- лар, инвесторлар ва экспертлар бил- лан доимий мулоқот ва муҳомама- ларни йўлга қўйган. Натижада ТХММ халқаро молия бизнеси учун хавф- сиз, жозибадор ва рақобатбардош марказ сифатида қўрилмоқда.

Халқаро тажрибадан аёнки, мо- лия марказида яратилган ҳар бир иш ўрни келажақда 5,5 та қўшимча иш ўрнини яратаяди. Бу иқтисодий тизимдаги энг яхши кўрсаткичлар- дан бири ҳисобланади. Тошкентда яратилаётган янги молия маркази инвестор ва тадбиркорлар билан бирга оддий одамлар ҳаёти, тур- муш даражаси яхшиланишига катта туртки беради.

Иқтисодчилар "family offise"лар

бошқарувидаги бойликлар ва тех- нологияга асосланган рақамли ак- тивларни қўчиб юрвчи қушларга қиёслашди. Кейинги пайтларда геосиёсий вазият, глобал иқтисо- диётда кузатилаётган юқори ўзга- рувчанлик ва ноаниқликлар таъси- рида бу "қуш"лар кўнган "дарахт"- ларнинг қимирлай бошлагани ту- файли капитал янги ва хавфсизроқ "уй"ларни изламоқда. Албатта, улар- нинг бир қисмини Тошкентга, аниқ- роғи, ТХММга қўчириш учун қулай муҳит ва кенг шароитлар яратиш талаб этилади.

Маълумотларга қараганда, "family offise"лар томонидан бошқарилади- ган бойлик ҳажми тахминан 3 трлн. доллардан ошади. Рақамли актив- лар эса тахминан 60 трлн. доллар- ни ташкил қилади. Тўғри, умумий 63 трлн. долларлик капиталнинг ҳаммаси эмас, муайян қисми ўзига янги "уй" қидирмоқда. Агар Тошкент бу маблагнинг атиги 1 фоизини жалб қиладиган бўлса ҳам бу мам- лакат ҳозирги иқтисодиётининг 3,5 баробари, дегандир.

Тошкент халқаро молия мар- казида Англия ва Уэлс ҳуқуқига асосланган махсус тартиб-та- мойил жорий этилиб, ишти- рокчилар учун жозибадор солиқ тизими яратилаётгани замирида ҳам аини шу мақ- сад-муддоа муҳасам: Тош- кентни нафақат Марказий Осиёда, балки Евроосиё мин- тақасида ҳам муҳим молиявий марказлардан бирига айланти- ришдир.

Инвестиция оқимларининг оқилона тақсимоти

V Тошкент халқаро инвестиция фо- румида Ўзбекистон етакчиси мамла- катимиз инвестициявий тараққиёти- нинг янги босқичидаги муҳим вази- фаларни белгилаб берди. Яъни кўп қиррали ҳамкорлиқни янада кен- гайтириш учун олтига устувор йўна- лиш илгари сурилди. Худудларни ривожлантиришда инвестициявий шериклини янги босқичга кўтариш шулардан бири.

Мамлакатлар ижтимоий-иқтисо- дий тараққиётида инвестициялар-

Тошкент халқаро инвестиция форуми ўзининг беш йиллик фаолияти давомида Янги Ўзбекистон билан жаҳон инвестиция ҳамжамияти ўртасидаги ишончли қўриққа айланди. Пировардида юртимиз нафақат капитални жалб қилаётган йирик марказ, аини чоғда минтақада иқтисодий ўзгаришларга туртки берадиган қудратли қуч сифатида катта майдонга чиқди. Шубҳасиз, бу давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан инвесторлар ҳуқуқларини халқаро меҳанизмлар асосида таъминлаш бўйича мустаҳкам ва ишончли тизим яратилаётганининг бекиёб самарасидир.

Тўлқин ЭШНАЗАРОВ,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

бефарқлик боис заволга юз тутмасин

гани хазина, — дейди манбашунос Ахтам Аҳмедов. — Мен у киши билан бу мавзуда кўп бор суҳбатлашганман. Асл касби то- варшунос бўлган юртодошимизнинг китоб- га меҳр қўйганининг ўзиёқ таҳсинга лойиқ. Қанийди, мутасаддилар бу жонқуяр инсон- ни қўллаб-қувватлашса, унинг чоғроқ му- зей ташкил этишдек азалий орсуниси рўёбга чиқаришса...



дошимиз Барот Сафаровнинг хайрли иши қадр қимматини ҳам кўрсатади. Агар юр- тодошимиз қадимий халқларнинг бой маъна- вий меросимиздан дарак берувчи буюм- ларни қишлоқма-қишлоқ, уйма-уй юрб ик тўппамаганида уларнинг анча-мунчаси ёт қўлларга ўтиб кетиши ҳеч гап эмасди.

— Барот ака тўплаган осорياتикалар, жумладан, нодир китобларнинг турган-бит-

ларни олиб қарайдиган бўлсак, улар жа- вондаги ҳар қўзида тўрттагача қўйилиши, хонадаги иссиқлик 18 — 20 даража бўлмоғи, ҳарорат кескин ўзгариб кетмас- лиги керак. Қолаверса, ёруғлик ва намлик микдори омилли ҳам бор. Уларга риоя этилмаса, қоғоз мустаҳкамлигини йўқота- ди, саргайди, эластиклигига зиён етлади.

— Ана шуларни ўйлаб, хавотирланаман,

— дейди Барот ака. — Осорياتикаларни кўргани ёшу қари келади. "Бу ер уй-му- зей экан" дейишадди. Тўғри, китоблару минглаб қадимий буюмлар турган бу хона омборхона вазифасини ўтаётпти, холос. Мен бу осорياتикалардан моддий ман- фаат қўриш ниятида эмасман. Фақат бир чоғроқ музей барпо этилса, халқимиз, айниқса, ёшларимиз маданий-маънавий меросимизнинг бир қисми саналган бу ашёларни томоша қилиб, билим ва дунёқарашларини бойитишса, яхши бўларди.

Афсуски, миллий қадриятларимиз жон- қури саналган бу инсоннинг шу масала- да қилган муножаатлари натижа бермаёт- ти. Наҳотки, Жондорда, қолаверса, вило- ятда Барот Сафаровнинг бу ташаббуси ўғил-қизлар таҳсил оляпти. Халқ қаҳра- мони Маҳмуд Торобийга бешик бўлган бу қўхна гўшада VII асрга тааллуқли Варахша қизбери, шунингдек, Шаҳри Ислоом қалъаси, Шаҳри меъморий мажмуаси мавжуд. Аммо номига бўлса-да, битта музей йўқ.

Бинобарин, ноёб адабиёт осорياتика- ларни келажак авлодга зиён-захматсиз етказиш, ёшларни бой тарихимиздан хабар- дор этиш мақсадини ўз олдига қўйган Бар- от Сафаровдек жонқуярларни қўллаб-қув- ватлашининг мавриди аллақачон келди. Эҳтимол, бу ишга халқ депутатлари вилоят, туман Кенгашлари депутатлари бош қўши- шар, а лаббай!?

Истам ИБРОҲИМОВ

(«Халқ сўзи»).

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА


Халқпарвар арбоб

Ватан ва халқ тақдирида муҳим ўрин тутган шахсларнинг хотираси мангу барҳаётдир. Уларнинг эзгу ишлари тарих зарварақларидан асло ўчмайди.

Халқимиз учун ана шун- дай сиймолардан бири 1937 — 1954 йилларда Ўзе- бистонга раҳбарлик қилган давлат арбоби Усмон Юсу- повдир.

Академик Азиз Қайюмов қаламбас мансуб "Усмон ота" китоби ушбу тарихий шахс ҳаётининг кўпчилиққа маълум бўлмаган саҳифаларини, унинг оддий инсон сифатида- ги қиёфасини очиб беради. Асарда давлат раҳбарининг эл-юрт тақдири йўлидаги ма- шаққатли меҳнати, халқпарварлиги, қатъияти, орзу-ар- монлари, оилага меҳри, қалб изтироблари ва инсоний кечинмалари самимий ва таъсирчан тарзда ёритилган.

"Олмалиқ кон-металлургия комбинати" АЖ ҳрмийлигида чоп этилган мазкур китоб собиқ иттифоқ даври тарихи, ўша замоннинг сиёсий ва ижтимоий- маданий муҳити, раҳбар шахсияти ва раҳбарлик маданияти билан қизиқувчилар, тадқиқотчилар ҳамда кенг китобхонлар оммаси учун қимматли манба бўлиб хизмат қилади.



Шоирнинг сўнмас овози

Шоир — миллият қалбининг овози. Бу сас вақтлар оша сўнмайди, ҳар авлод қалбиди янгидан жангилгайди. Шавкат Раҳмон ана шундай нодир сўз санъаткорларидан. Унинг шеърларида Ватан дарди ҳам, эрк соғинчи ҳам, инсон руҳининг изтироб ва юксалишлари ҳам мужассам. Шу боис шоир ижоди халқимизнинг бебаҳо маънавий мероси сифатида қадрланади.



Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан нашрга тайёрланган "Танланган асарлар" китобида шоир ижодининг энг сара намуна- лари жамланган. Тўппамдан ижодкорнинг "Рангин лаҳза- лар", "Юрак қирралари", "Очиқ кунлар", "Гулгаётган тош", "Уйғоқ тоғлар", "Хулово", "Сайланма", "Абадият ора- лаб" китобларидан ўрин ол- ган сара шеърлари ҳамда жа- хон адабиётининг машҳур вакиллари ижодидан тар- жималари ўрин олган. Шунингдек, шоирнинг турли йилларда матбуотда эълон қилинган суҳбат ва интер- вьюлари, XX асрнинг 60 — 70-йилларида ўш вилоят матбуотида чоп этилган, ammo хозирга қадар бирор тўппамга қирмаган дастлабки шеърлари ҳам китобдан жой эгаллаган.

"Танланган асарлар" нафақат Шавкат Раҳмон ижодининг бадийи оламани яхлит тасаввур қилиш имконини беради, балки ўқувчини миллат, Ватан, эрк ва инсон қадри ҳақидаги теран фалсафий мушоҳадаларга чорлайди. Бу тўппам шоир мухлислари, адабиёт ихлосмандлари ҳамда миллий шеърятнинг юксак намуналарини қадрлайдиган барча китобхонлар учун муносиб маънавий тўхфадир.

Маънавий оламни асрашга чорлов

Бугунги шиддатли замонда инсоният илм-фан ва технологияларда бекиёс ютуқларни қўлга киритаётган бир пайтда, маънавий оламни асраш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки инсонни инсон қилиб турадиган энг буюк байлик унинг қалби, виждони ва эзгу тафаккуридир.

Таниқли шоир Эшқобил Шукурнинг "Мегаполисдан Ҳимолой чўққисигача" китоби- да ҳаёт, инсон, маънавият, миллий қадриятлар ва замон ҳақидаги мақолалари, фикр-мушоҳадалари жамланган. Муаллиф ҳар бир мулоҳаза- си орқали китобхонни эзгу- лик ва ёруғлик сари бошлай- ди, инсон қалбини ҳимоя қилиш, маънавий иммунитет- ни мустаҳкамлаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқ қолиш ҳақида теран мушоҳадага ундайди.

Бу китоб ҳаётнинг маъноси, инсоннинг ички дунёси ва маънавий масъулияти ҳақида мушоҳада юритишни истаган ҳар бир китобхон учун яхши тўхфа бўлади, деб ишонамиз.



«Халқ сўзи».

Руминияда бадий гимнастика бўйича ўтказилган Жаҳон челленж кубоги мусобақасида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ҳам иштирок этиб, 1 та кумуш ва 3 та бронза медалларини қўлга киритди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 19 766 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақидаги маълумотларни қўлаб оқиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳриратта келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета таҳриратта компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бекмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик ҳажмидан сифатли чоп этилишига "Шарқ" наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислоом Қаримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.

Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.40 Топширилди — 01.50 1 2 3 4 5 6